



Ўзбекистон 1991-2007 йилларда

Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришадиган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.
Ислом КАРИМОВ

Улар истиқбол учун масъулмиз

Кишига фақат бир марта бериладиган ёшлик умрнинг бошқа палласига нисбатан ниҳоятда гўзалдир. Ёшликнинг энг катта бахти шундаки, унинг келажаги бор. Ёшлар эртанги кунимизнинг энг ишончли куч-қудратидир. Улардаги олижаноб ташаббус, софдиллик, ҳақиқатга бўлган интилиш, келажақ учун тузилган эзгу режалар, қалбларининг орзу умидларига тўлалиги буни тасдиқлайди. Ёшларнинг инсонга қанот ва куч-қувват бағишловчи орзулари бўлмаганда инсон ҳаёти бир нуқтада тўхтаб қолган бўларди. Аксарият улуг ғоялар асосан ёшларнинг ҳаёлларида, беғубор қалбларида ниш урганлиги маълумдир.
(Давоми 2-саҳифада)

2008 йил — Ёшлар йили



Тошкент туманидаги Алишер Навоий номи маҳаллада ўсиб-улғайган Нурилла Махаматов ахборот технологиялари бўйича етук мутахассис бўлиб етишди. Унинг Жанубий Корея Республикасида техника фанлари доктори илмий даражаси қўйд этилган ҳужжатни олиб келиши оқилнинг барча аъзолари учун ғоят қувончли бўлди.
Эргаш ҚОДИРОВ олган сурат.

БУОК КЕЛАЖАҚ САРИ ҚЎЙЛГАН НАВБАТДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Витторио ЖОРДЖИ, «Евроюрист-Италия» Италия юристлар уюмаси аъзоси, адвокат:
— Ўзбекистонда Президент сайлови куни мен Қарши шаҳридаги ўн та сайлов участкасида овоз бериш жараёнини диққат билан кузатдим. Сайловчилар Президентликка номзодларнинг дастури ва сайловга оид қонунчиликдан етарлича хабардор экани алоҳида эътиборга лойиқдир. Сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этди. Бирор сайловчига кимнингдир таъйиқ ўтказгани сезмадим. Номзодлар орасида аёл кишининг борлиги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари домини ҳимояда эканининг ёрқин тасдиғидир.
Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни

ўтказишга доир барча тадбирларда, сайлов куни сайлов участкаларида, овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар курсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуру-

Каримов энг кўп — 88,1 фоиз овоз олгани маълум бўлди. Бу — Ўзбекистон халқининг мамлакатингизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фа-

Президенти сайлови жараёнини бир неча сайлов участкасида диққат билан кузатдим. Сайловнинг тенглик, ошқоралик, ҳолис ва адолатли тарзда ўтганининг шаҳсан гувоҳи бўлдим. Сайлов жараёни миллий қонуқчилик, халқаро меъёрлар ва демократик тамойилларга тўла мос ўтказилгани эътиборлидир. Сайлов участкаларида одамларнинг эрта тонгданок фалон билан кўтаринки руҳ ва хай қайфиятда келаётгани мени жуда ҳайратлантирди. Бу — одамларнинг ўз Ватани, унинг тақдирини ва истиқбол учун масъулиятни астойдил ҳис этишидан далолат.

Мухаммад Талха МАХМУД АРЪЯН, Покистон Ислам Республикаси Сенати Ички ишлар кўмитаси раиси:
— Мен Ўзбекистон Республикаси

(Давоми 2-саҳифада)

Сўз — халқаро кузатувчиларга

хидан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлардан 23 мингдан ортик кузатувчи қатнашгани унинг демократик тамойилларга тўла амал қилинган ҳолда ўтказилганининг яққол далилидир. Сайловнинг эълон қилинган дастлабки натижаларига кўра, Ислам

равонлигини янада юксалтиришга доир йўлни давом эттиришни қўллаб-қувватлашининг тасдиғидир.

Мухаммад Талха МАХМУД АРЪЯН, Покистон Ислам Республикаси Сенати Ички ишлар кўмитаси раиси:
— Мен Ўзбекистон Республикаси

(Давоми 2-саҳифада)

Озодлик ва эзгулик тимсоли

Хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига 28 декабрда икки йил тўлди

Мустақиллик майдони Ватанимизнинг юрагидир. Юртдошларимизнинг, мамлакатимиз меҳмонларининг бу муқаддас максабини зиёрат қилишда чуқур рамзий маъно бор. Зеро, бу майдон ажодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуг, энг азиз нёмаат — Истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга берган нёмаатларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муззам майдон тимсолида нафақат тасаввур қиламиз, балки юракдан астойдил ҳис этамиз.

Мустақиллик майдони хар бир ватандошимиз учун азиз ва муътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истакимиз шунки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намоян этсин, деган эди давлатимиз раҳбари Ислам Каримов.

Мустақиллик майдонига қадам қўйган хар бир инсон қалбида эзгу туйғулар жўш уради. Сенат қаршидаги жозибадор фавворалар, йўлқалардаги безакли тошлар, тўрт фаслда ҳам гуркираб турувчи дарахт ва яшил майсалар киши баҳри дилини очади. Майдонда 2005 йили Президент Ислам

Каримов гурури-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади. Монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирган ноёб мажмуадир. У мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, буюк келажаққа қатъий



Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг улугворлиги, қўруқ салобати билан давлатимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди. У халқини ишонч тимсолидир. Ушбу обида Президентимиз Ислам Каримов гоёси асосида таниқли хайкалтарош Илҳом Жабборов томонидан яратилган.
(Давоми 2-саҳифада)

Тўртқўл туманидаги Уллубоқ овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 32-сонли умумтаълим мактабининг мингта яқин ўқувчилари ва муаллимлари янги йил арафасида муносиб совға олишди.

Қулай, кўркам билим масканлари

Мактаб тўла реконструкция қилинди. Ўқувчилар қулай, шинам ва ёруғ синф хоналарда таълим олишмоқда. 4 та фан кабинетлари янги мебеллар, кўргазмали қуроллар, техникалар билан таъминланди.

Айни пайтда тумандаги 66 та умумтаълим мактабларида билим сирларини чуқур эгаллаётган 30 мингдан зиёд ўғил-қизлар келаси — «Ёшлар йили»га пухта тарадуд қўришмоқда. Яна бир қувонарли жиҳати, шу мактаблардан биттаси янги-дан қурилди, 15 та мактаб эса реконструкция қилинди.
Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси.

ОБУНА — 2008

«Кишлоқ ҳаёти» ва унинг иловаси «Ҳаёт» газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жаҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, фалсафий фикрлар билан йўғрилган бадий асарларни мутолаа қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газеталаримизга обуна бўлишга шошилинг!
«Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тарқатувчи» идоралари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштиришмоқда. Таҳририятнинг ўзида ҳамда газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги мухбирлари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича «Кишлоқ ҳаёти» ва «Ҳаёт» газеталарига бир йўла, 145-индекс бўйича эса «Ҳаёт» газетасининг ўзига обуна расмийлаштириляпти.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриқларимни йўллашдан беҳад мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига равақ ва фаровонлик тилайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам ривожланиб ва мустақамлаб бораверишига умид билдираман.

Мухаммад Хусийн МУБОРАК, Миср Араб Республикаси Президенти

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Жаноби Олийлари, Сизни, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини янги муддатга Президент этиб сайланганингиз муносабати билан Самимий муборақбод этаман.

Сиз, Жаноби Олийлари Президентлигининг янги даврида икки мамлакат раҳбарлари ўртасида янада кучли ҳамжихатлик бўлиши, дўст ва биродар Ўзбекистон мамлақати сиёсий-иқтисодий барқарорлиги жараёнининг давом этиши ҳамда Эрон Ислам Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқалар янада ривожланиб бораверишига шохиди бўламиз, дея умид қиламан.

Худованди қаримдан Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига бахт-саодат ҳамда янада юксак фаровонлик тилаб қоламан.

Махмуд АХМАДИНЕЖОД, Эрон Ислам Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Жаноби Олийлари, Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан шаҳсан ўз номимдан ва Туркия халқи номидан самимий табриқлайман.

Ўзбекистон билан мустақам алоқаларимиз теран қардошлик ришталар, умумий тарих, тил ва маданий қадриятларга асосланган бўлиб, буларнинг барчаси ўзаро муносабатларимизнинг келажақдаги ривожини таъминлайди.

Шу муносабат билан яқин истиқболда икки томонлама муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз ўзаро ҳурмат ва умумий манфаатдорлик асосида ривожланиб, биргаликдаги саяё-жаракатларимиз тўғрисида янги бошқича кўтарилишига умид қиламан.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга ҳам хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, масъулиятли Президентлик фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса бахт, омад ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ ГУЛ, Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Вьетнам халқи ва шаҳсан ўз номимдан қизгин муборақбод этаман.

Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги аънавий ва дўстона муносабатлар, кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора мустақамлашиб, янада ривож топишига ишонаман.

Ўзбекистон халқига Сизнинг раҳнамолигингизда мамлакатингизни ривожлантириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш йўлида янада улкан муваффақиятларга эришишини тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, мухтарам Президент Жанобларига мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва юксак масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Нгуен Минь ЧИЕТ, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин кўнгилдан табриқлайман.

Сайловда голиб чиққанингиз сайловчиларнинг Сизга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси, Сизнинг давлат арбоби, тажрибали сиёсатчи ва олий инсоний фазилятларингизнинг тасдиғидир.

Ишончим комилки, Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги аънавий дўстлик ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам янада кенгайиб бораверади.

Сизга, мухтарам Ислам Абдуганиевич, мустақам соғлиқ, барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқишини, мамлакатингиз халқига эса тинчлик, осийишталлик ва фаровонлик тилайман. Эҳтиром ила,

Александр ЛУКАШЕНКО, Беларусь Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида голиб чиққанингиз муносабати билан самимий табриқларимни қабул қилганысиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақам сийҳат-саломатлик, бахту омад, қардош Ўзбекистон халқига эса янада юксалиш ва фаровонлик тилайман. Эҳтиром ила,

Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ, Туркменистон Президенти

Шунингдек, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиевдан ҳам табрик телеграммалари келди.



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроекономика таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ерғеодезкадастр», Табиати муҳофаза қилиш Давлат кўмиталари, «Ўздонмахсулот», «Ўқимбасаноат», «Ўзросуғурта», «Ўзвинэконом-холдинг», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўқишлоқхўжаликмасхольдинг», «Ўқишлоқхўжаликмасхольдинг» компаниялари, «Ўзпахтасаноат», «Ер-мой ва озик-овқат саноати», Ўзбекистон фермер хўжалиқлари, «Ўзгросервис», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари, «Пахта Банк», «Фаллабанк», Халқ банки, «Гидрометеорология» бош бошқармаси, Агроекономика ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, «Ўздавдонинспекция», «Сифат» маркази

Янги замон кишилари

Шудринг узра одимлар

Эрта тонгда туришининг ҳикмати кўп дейишади. Иш баракали, соғлиқ яхши бўлади. Қишлоқ меҳнат аҳли буни одат қилган. Вақтни қизганади. Бъзан ҳали қуёш чиқмасдан йўлга отланади. Чунки Истиклол шарофати билан энди тунинг ўз даласию боғи бор. Шу билан бирга хизматта тайёр қаноти — тракторию ҳосили пишгач қабул қилиб оладиган ҳамкорлари бор.

Кечаси алламахалгача тракторнинг овози баралла эшитилиб турди. "Ер ҳайдаяпти, — ўйлади қониқиб билан фермер. — Кун ганимат. Бугдэй ўрнини ҳайдапти, кечки картошка экишим керак. Чилла сувидан ичиб олиши керак-да".

У яқиндагина фермер бўлган. Лекин ер илмига, деҳқончиликка ҳаваси болалигидан пайдо бўлганди. Тупроқ ҳидини, шудринг тушган далаларни яхши кўрарди. Ва яна шуни ҳам билардики, фақат яхши кўриш билан иш битмайди. Буни амалда исботлаш, енг шимариб меҳнат қилиш, зарур пайтда оромингдан ҳам воз кечиш керак.

Анчагача ухлай олмади. Ширин хайллар уни банд этиб қўйган, янги фермер ҳўжалиги даласига нима экишни, қандай даромад олишни ўйларди.

Унинг ўй-хайллари билан бахшлашаётгандек ҳайдов тракторнинг овози ҳам элас-элас эшитилиб турарди. Қачон кўзи илгинган билмади қолди, лекин ёстига ёнидаги қўл телефонининг жириглашидан уйғониб кетди. Яшил тутмачани босиб, қулоғига тўтди.

— Э, Деҳқонбой ака, келмайсизми? — деган овоз тракторнинг тариллаши билан қўшилиб эшитилди.

— Ҳозир, ҳозир... — Бир зум хижолат аралаш довдираб қолди у. — Қаердасиз, Бўрибой ака?

— Даладаман. Сизнинг далаңгизда! Э, бор бўлинг! Ярим гектарча ҳайдаб қўйдим. Бундоқ ўзингиз кўрсангиз бўларди сифатини.

Соатиға қаради. Тонгги тўрт ярим. Бўрибой дегани тиниб-тинчимайдиган йигит, кечаси алламахалгача яқинларидаги ерни ҳайдади. Эшитиб ётганди. Тракторида ухлаганими ёки умуман ухламаганими — ҳўроз кичирмасдан яна далада!

У ҳақда эшитганди: отаси деҳқон, буvasи ҳам шундай меҳнатсевар бўлган. Ўзи ўн-ўн беш йилдан бери собиқ ширкат ҳўжалигида тракторчи эди. Ҳозир Зангиота туманидаги "Наврўз-Қатортол" муқобил машина-трактор паркида тракторчи. Ҳўрматли, топиш-тутиши жойида. Кўп йиллик ораси ушалган: унга шу йил баҳорда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратилди.

Қишлоқда фермерлар кўпайди. Шунга яраша Бўрибой Жайнаровнинг иши ҳам оз эмас. Ер ҳайдаш, чизеллаш, ариқ олиш бўйича буортмалар кўп. Кечасию кундўзи тинмайди. Тўри, офтоб ҳаммаёққа олов пуркаётган кезларда тракторини дарахт соясига олади ва катта-катта қадам ташлаб, атрофида зилол сувлар қўшиқ айтаётган, дарахтлар оғушидаги шийпонга келиб сулаға ўзини ташлайди. Бир-икки соат хордик қаради. Бу — кечаси билан ишлашга қувват.

"Энди боғи фермер нима қилди?" деб сўрасиз. Бўрибойнинг телефон кўнроғидан кейин "Жигули"сига ўтириб, ўн беш чақирим наридаги даласига етиб борди. Қараса, ерлар текис ҳайдалган, чуқурлиги ҳам жойида. Бегона ўлардан нишона ҳам қолмабди. Бир томонда ер ҳиди келиб турган дала, бошқа томонда шудринг босган бөдзор. Бўрибойнинг ишидан хурсанд бўлиб, кечқурун тайёрлаб, машинаси юкюнасига жойлаб қўйган нончўтани олди.

— Энди бир пиёла чой ичасиз-да, ака! Тракторчининг "сотка"си жириглаб қолди.

— Ҳозир, — деди у трактори моторини ўчирмай бир қўли билан чап қулоғини бөркитиб, — ярим соатда етиб бораман. Буортма вақтда баҳарилади, хотиржам бўлинг.

Кейин фермерга ўтирилди.

— Узр, ука, чойни кейинроқ ичармиз. Аввал ҳосил пишсин. Ҳали тўйлар бўлади. Ана шунда хотиржам гаплашамиз.

— Албатта, албатта. Келасиз-да меҳмон бўлиб, ишим кўп деб сабаб қолдирмай.

Бўрибой жиймайди. Трактори педалини босди.

Фермер бўлса шудринг босган далалар узра қўшдек енгил одимлади.

Абдусаттор ҲОТАМОВ

Тошкент вилояти

"АСАКА" БАНКИ:

Тўрт юздан зиёд ёш оила уйли бўлади

Мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида макроиктисодий мезонларнинг барқарорлашув даражасининг мустаҳкамлишига катта эътибор берилмоқда.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, ташқи савдо балансини мустаҳкамлаш, инфляциянинг суръатини пасайтириш, хусусан миллий валютанинг конвертацияланиши каби кўрсаткичлар макроиктисодий барқарорликнинг асосидир.



Республикада аҳоли бандлик даражасини яхшилаш масалаларини ҳал қилиш, унинг даромадларини ошириш, умуман, фаровонлиқни таъминлаш муҳим йўналиш этиб белгиланган. Бу борада, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари сонининг кўпайиши, улар молиявий-иктисодий шароитининг яхшиланиши макроиктисодий мезонларнинг янада барқарорлашувига хизмат қилмоқда.

Республикада фаолият юритиб келаётган тижорат банклари олдида кўйилган асосий вазифалардан бири эса, кичик бизнес субъектлари ҳамда аҳолининг молиявий маблағларга бўлган талабини қондиришидир. Бу хайрли ишга "Асака" давлат акциядорлик-тижорат банки ҳам муносиб улшини қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда "Асака" банки тизимида жами 27 филиал, шунингдек 85 та минибанклар ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг муддати ундан фойдаланиш мақсадига мослаштирилган ҳолда белгиланмоқда. Банк филиаллари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёни харид қилишга, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг моддий-техника базасини шакллантириш учун эҳтиёт ва бугловчи қисмларни, шунингдек турли хил минитехнологиялар ва илҳам ускуналарни сотиб олишга, маҳаллий хом ашё неғизида маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Жумладан, 2007 йилнинг ўтган даври мобай-

нида банк томонидан жами 68,5 млрд сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик ҳамда аҳолининг молиявий талабини сезиларли даражада қондирилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги 348-сонли қарорига асосан банк томонидан Осий Тараққиёт Банки кредит линияси маблағлари ҳисобидан "Кичик ва микро-молиялаштиришни ривожлантириш" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа бўйича "Асака" банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўртасида "Қайта кредитлаш келишуви" имзоланган бўлиб, ушбу кредит линияси бўйича "Асака" банки орқали 6,5

мили қўллаб-қувватланиши натижасида қўшимча 3600 дан зиёд янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларини бажариш ва тадбиркор аёллар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали уларнинг республика иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги мавқеларини кўтариш ва уларнинг ривожланишига қўшадиган ҳиссасини янада ошириш мақсадида жами 42,9 млрд сўм миқдорда тижорат ва имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорларига мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 2007 йил пахта хом ашёси ва галла

ҚАРОР ВА ИЖРО


ҳосилини етиштириш учун фермерларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, банк филиаллари томонидан



фермер ҳўжалиқларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарна маблағлари ҳисобидан пахта етиштириш учун 8,1 млрд сўм ва галла етиштириш учун 403,3 млн сўм, жами 8,5 млрд сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди.

Шунингдек, банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 1,3 млрд сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги 308-сонли "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларидаги чорва молларини кўпайтиришни



рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2007 йилда шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларига четдан насли қорамол сотиб олиш учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1,4 млрд сўм миқдорда имтиёзли шартларда кредитлар ажратилди.

Шунингдек, банк фойдаси ҳисобидан шакллантирилган имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан, 952,4 млн сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони талабларидан келиб чиқиб, тадбиркор аёллар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 2007 йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 1654 нафар тадбиркор аёлларга 3 млрд сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Уларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, савдо ва саноатнинг бошқа тармоқларига йўналтирилди. Бу орқали 773 та янги ишчи ўринлари ташкил этилиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга "Асака" банк ўз ҳиссасини қўшганлигини қайд этиш лозим.

"Асака" банки томонидан Республикада истокмат қилувчи аҳолини

молиявий томондан қўллаб-қувватлаш, турли Давлат дастурларининг амалга оширилиши натижасида, Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмоил кредити тўғрисида"ги ҳамда "Ипотека тўғрисида"ги Қонунлари талабларини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини, хусусан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, 2007 йилнинг ўтган даври давомида 561 та оилага 18 млрд сўмдан зиёд ипотека кредитлари, шундан 404 та ёш оилаларга 12,4 млрд сўм миқдорда имтиёзли шартларда узок муддатли ипотека кредитлари ажратилди. Шунингдек, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва уларнинг турли хил уй жиҳозлари ҳамда бошқа истеъмоил товарларига бўлган талабини қондириш мақсадида банк томонидан жами 5,3 млрд сўм миқдорда истеъмоил кредитлари берилди.

Давлат акциядорлик-тижорат "Асака" банки жамоваси кириб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Ёшлар йили" деб эълон қилинган 2008 йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамда аҳолини, шу жумладан, ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада кенгайтиради.

Давлат акциядорлик-тижорат "Асака" банки матбуот хизмати

"Ўзагросуфурта"

Давлат акциядорлик

2008 суфурта компанияси жамоваси

барча Ўзбекистон фуқароларини
Янги — 2008 йил билан
чин дилдан табриклайди!
Ҳар бир оилага тинчлик-тотувлик,
бахт-иқбол, юртдошларимизга
мамлакатимиз равнақи йўлидаги
яратувчанлик ишларига омад тилаймиз!

Фарғона вилояти

"Водийгазтаъминот"

унитар корхонаси жамоваси

азиз ватандошларимизни
Янги йил билан сатимий қўтлайди!
2008 йилда омадли,
саодатли кўнларингиз кўп бўлсин,
иймон-эътиқод билан яхши амаллар қилиш
баргангизга насиб этсин,
азиз юртдошлар!

Тошкент шахрилати қуюв-механика заводи жамоаси

барча юрtdошларимизни
2008 — Янги йил байрами билан
самимий муборакбод этади!

Янги — Ёшлар йилида
юртимизга тинчлик,
ҳар бир оилага хотиржамлик
ва қут-барака тилайди.



Янги йил барчамиз учун хайрли,
омадли йил бўлсин, азизлар!


Истеъмолчи ҳуқуқлари, маҳсулот сифати, синов ва сертификатлаштириш талаблари билан боғлиқ тартиб-қоидаларни баъзилар яхши билишмайди. Натижада, кўча-кўйда, бозорларда сотилаётган озиқ-овқат, мева-чева ҳамда кундалик эҳтиёж маҳсулотлари сифатига, ҳолатига эътибор қаратилмайди. Бунинг оқибатида харидор зарар кўради, ҳатто, баъзи ҳолларда касалликларга чалинади. Қолаверса, ҳуқуқий демократик жамиятда яшайтган фуқаролар бу борада етарли тасавуруга, билимга эга бўлишлари лозим.

— Энг аввало, сотиб олинган маҳсулот экологик тоза ва сифатли бўлиши зарур. Ана шундагина истеъмолчи ҳуқуқи поймол этилмайди, — дейди Сирдарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази директори Собиржон Исмоилов. — Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб вилоятда товар ва хизматларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш шартларини шакллантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизматлар)нинг экспортини кенгайтиришга кўмаклашиш, жакон бозорда ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш бўйича аниқ ишлар амалга оширилмоқда.

— Маҳсулот ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш, унинг сифатини текшириш баҳо-

қиласлаш ишлари уddаланди. Бозор ҳудудида фаолият курсатаётган 59 та хусусий тадбиркорларнинг 212 та ўлчаш воситалари давлат қиёсловидан ўтказилиб таъминланди.

“Ўзстандарт” агентлиги Бош директори томонидан тас-



Харидор қимоясиз эмас

Буни ҳар бир истеъмолчи билиши зарур

лашдаги назорат тартибини тўла йўлга қўйиш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур. — дея сўзда давом этади у. — Шу ўринда бир фикр-ни таъкидламоқчиман: кўпчилик бундай ҳолатларни назорат қилиш фақат давлат бошқаруви органларининг иши, деб ўйлашади. Аслида истеъмолчилар ҳам энг аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукамал билишлари, курсатилган хизматлар сифатини талаб қилишлари лозим. Ана шунда сифатсиз маҳсулот харидининг олди олинади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатидан қониқиб ҳосил қилмаёйсизми? Бу ҳақда дарҳол марказдаги ишонч телефонларига кўнғирок қилинг. Назаримда, стандарт талабларига жавоб бермайдиган, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар харидини кескин камайитиришининг йўли бор. Бу — жамоатчилик кўмагига таянидир.

Марказда “Сертификат миллий тизимининг ҳужжатлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлиги тўғрисида”ги ҳамда ҳукуматимизнинг соҳага тегишли қарорларига асосан ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Йилнинг ўтган 9 ойи давомида ўлчов воситаларини мажбурий давлат кўригидан ўтказиш учун метрологик қиёсллов шартномаларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги қонунини бажариш мақсадида марказнинг қиёсллов бўлими томонидан 20758 донга ўлчов воситаси давлат кўригидан ўтказилди. Шунинг 344 донаси ишлатишга яроқсиз деб топилди. Масалан, қорхона ва ташкилотларга жами 87473900 сўмлик давлат метрологик хизматлари курсатилди. Эътиборлиси шундаки, курсатилган хизматларнинг 53298300 сўмини давлат қиёсллов ишлари. 34177600 сўмини метрологик пулик (378 та) шартномавий хизматлар ташкил этади.

Айни паллада вилоятда ўн иккита деҳқон бозорлари фаолият курсатиб турибди. Ҳозирги кунда мазкур бозорларнинг барчасига метрологик хизмат курсатилмоқда. Бундан ташқари, назорат тарозилари ўрнатилган. Шу билан бирга Гулистон, Ховос, Янгиер, Бобўт, Пахтабод, Бахт, Қунчи ҳамда Сирдарё шаҳар деҳқон бозорларида 1289814 сўмлик

дикланган режага асосан марказнинг синов лабораторияларини қайта жиҳозлаш ва аккредитация доирасини кенгайтириш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, марказ — синов мажмуаси аккредитация доирасини фарфор ва керамика маҳсулотининг синовларини амалга ошириш мақсадида жами 215 минг сўмлик жиҳозлар харид қилинди. Натижада аккредитация доираси 4 турдаги маҳсулот ва 30 хил синов ҳисобига кенгайтирилди.

— Сифат тизимини жорий қилиш мақсадида Вазиrлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тадбирлари олиб борилмоқда, — дейди Сирдарё синов ва сертификатлаштириш маркази директори ўринбосари Одил Аҳмадулов. — Ҳозирда минтақадаги “Сарбонтекс” қўшма қорхонаси ана шундай сертификатга эга бўлди. Бундан ташқари “Бахтсельмаш” қўшма қорхонаси ҳамда Гулистон ёғ экстракция заводида ҳам ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Вазиrлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиб-қоидаларини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Қорхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари маҳсулотлар, курсатилган хизматларнинг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини янада ошириш, юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда мўҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабдан ходимлар маҳсулотлар ва хизматлар сифатини кўтариш, мамлакат ички бозорини харидоргир моллар билан таъминлаш, чет эллардан сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш бўйича назорат ишларини олиб боришмоқда. Шунингдек, бу ерда истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши юзасидан фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш-

Назорат

га ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказ ходимлари 2008 йилда иссиқ сув, совуқ сув, газ ўлчагичларини давлат қиёслловдан ўтказиш ишларини давом эттиришмоқчи. Тадбиркорлар учун мутахассислар, “Ўзстандарт” агентлиги раҳбар ходимлари иштирокида семинарлар, учрашувлар ўтказилди. Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини синов лабораторияси доимо тадбиркорлар билан гавжум. Бу ерда улар учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Вазиrлар Маҳкамаси қарорларини бажариш мақсадида бу мавсумда монополиядан чиқариш рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, вилоят ҳудудий бошқармаси, соғлиқни сақлаш божхона, солиқ стандартлаштириш ва метрология бошқармалари билан ҳамкорликда ўқув семинар ўтказилди. Тадбирда соҳага тегишли мутахассислар кенг жамоатчилик вакиллари, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот ходимлари иштирок этишди. Янги йилда ҳам бундай ййғилишлар тез-тез ўтказиб туришга келишиб олинди.

Марказда фаолият курсатаётган ходимларнинг асосий қисмини ёш, изланувчан мутахассислар ташкил этади. Улар вақти-вақти билан Тошкентда ўз малакаларини



ошириб қайтишди. Масалан, 2007 йилда 4 нафар ходим “Ўзстандарт” агентлигининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институтида ўқувда бўлиб қайтишди.

2007 йилнинг уч чорагида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган режага асосан жами 52900 минг сўмлик ишлар бажарилди. Марказнинг қиёсллов лабораториялари аккредитация доирасини кенгайтириш бўйича 1 донга, 7 миллион сўмлик қиёсллов ускуналари харид қилинди. Қурилиш таъминлаш, реконструкция ва ободонлаштириш мақсадидаги ишларга жами 45900 минг сўм сарфланди. Синов мажмуасига 6 донга, қиёсллов лабораториясига 1 донга ускуналар ажратиб берилди. Натижада, электр ҳисоблагичларни давлат қиёслловдан ўтказиш лабораторияси ташкил этилди. Ҳозир бу ерда иш қайнаган. Қолаверса, синов мажмуасини 4 хил маҳсулот, 30 хил синовга кенгайтириш ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Сирдарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази ходимлари ички бозорни сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар билан тўлдирishга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаяптир.

Улугбек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Сирдарё вилояти.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

Она-Ватанимиз — Ўзбекистон халқини,

соҳибкор боғбонлари, меҳнаткаш

деҳқонларини Янги йил байрами

билан самимий муборакбод этади!

Кун сайин чирой очиб,
жаҳонга юз тутаётган

азиз юртимизнинг

ҳар бир хонадонига,

ҳар бир фуқаросига

Янги йил бахту саодат

олиб келишини тилаймиз!



Сугориладиган деҳқончилик минтақасида қишлоқ инфратузилмаси, ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ва психологик вазиятнинг осойишта йўналишини таъминловчи асосий омил ҳудуднинг сув билан таъминланганлик даражаси ҳисобланади. Маълумки, республикада ўтган асрнинг 70-80 йилларидан бундан сув танқислиги кузатилмади. Вужудга келган вазиятнинг асосий сабаби мавжуд ер-сув захираларидан экстенсив фойдаланиш ва у билан узвий боғлиқ бўлган салбий оқибатлардир.

Ҳозирги вақтда республикамиз халқ ҳўжалиги тармоқларининг барқарор ривожланиши учун 83500 млн. м³ сув зарур. Шу сабабли умумий захиранинг миқдори ва таркибини қисман ўзгартириш билан сув танқислигини бартараф этиш мумкин эмас. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, халқ ҳўжалигининг устувор йўналишлари ишлаб чиқаришга зарур бўлган сувни тўлиқ миқдорда олмақдлар. Сув танқислигининг салбий оқибатлари асосан сугориладиган деҳқончиликда сезилмоқда. Жумладан, 1989-1998 йилларда соҳанинг сув билан таъминланганли-

надиган захира бўлиб, ўтган асрнинг 90 йилларида уларнинг 3,6 км³ экинлари сугориш учун ишлатилар эди. Сўнгги йилларда сув танқислиги кучайишига қарамадан мавжуд ер ости сувларидан экинларни сугоришда фойдаланиш миқдори камайиб бормоқда. Жумладан, 2000 йили экинларни сугориш учун 1358 млн. м³ ер ости суви ишлатилган. Албатта, ер ости сувлари мунтазам равишда тик зовурлар ёрдамида олинганда, уларнинг сатхи пасаяди ва пировардида мазкур ҳудуддаги экинларни сугориш учун берилмаётган сув миқдори ортади. Лекин шунга

Обиҳаёт танқислиги

Бу муаммо сувни тежашни, ички имкониятлардан фойдаланишни тақозо этади

ги республика бўйича ўртача 80 фоиз, Амударё ҳавзасида 77 фоиз, Сирдарёда эса 84 фоизни ташкил этади.

Республикада ҳозиргача сувни ҳар томонлама тежаш, дарёлар оқимини тўлиқ бошқариш, сугориш тизимларини техник такомиллаштириш, замонавий технологиялар асосида етиштирилаётган экинларни сугориш, кам сув истеъмол қиладиган ўсимликларни экиш ва интродукция қилиш ҳисобига сув танқислигини бартараф этиш мумкин деган фикр ва мулоҳазалар илгари сурилмоқда.

Муаммонинг ечимида мазкур тадбирларнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, бизнинг фикримизча, биринчи навбатда сув захираларини оширишнинг ноанъанавий усуллари ва манбаларини излаш зарур. Чунки режалаштирилган сув захиралари сугориладиган минтақада етиштирилаётган экинларни сугориш, шўрланган тупроқларни ювиш ва бошқа агро-мелиоратив тадбирларни ўз вақтида ва меъёрида ўтказиш учун етмайпти. Ҳар бир вилоят ёки туманда ажратилган сув миқдорига қараб етиштирилаётган экинлардан олинishi мумкин бўлган умумий ҳосилдорлик белгиланади. Уларнинг биологик имконияти, олинadиган ҳосилнинг сифати, технологик кўрсаткичлари деярли назарда тутилмаган.

Ўсимлик ривожини учун зарур бўлган омиллардан биронтаси биологик талабдан ортик ёки кам бўлса, ўсимликда ирсий ўзгаришлар кузатилади, ҳосилнинг сифати, технологик кўрсаткичлари ёмонлашади. Жумладан, гўза парваришида барча агротехнологик тадбирлар ўз вақтида ва меъёрида ўтказилса-ю, лекин унга биологик мақбул талабидан 10 фоиз кам сув берилса, олинishi мумкин бўлган сифатли ҳосил миқдори 30 фоизга камаяди. Шўрланган ёки унга мойил тупроқларнинг ўсимлик илдизи тарқалган қатламида сувда эрийдиган тузлар миқдори меъёридан (0,01-0,02 фоиз хлор-ион) ортик бўлса, олинishi мумкин бўлган ҳосилнинг 20-30 фоиздан 60-70 фоизгача йўқотилиши мумкин.

Сув етишмаслиги сабабли сугориладиган минтақанинг қўл қисмида (Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Шеробод, Қўйи Амударё) етиштирилаётган гўза ва бошқа экинлар талабга мувофиқ сугорилмаяпти. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган ерларда тупроқ шўрини камайтирадиган асосий агро-мелиоратив тадбир – шўр ювиш ишлари деярли ўтказилмаяпти ёки чекланган майдонда меъёридан кам сув бериб олиб борилмоқда.

Сув танқислигини бартараф этишда яна бир манба санoат корхоналари, чорвачилик фермаларида шаклланаётган ташландиқ сувлардир. Ҳозирги вақтда республика бўйича мавжуд 2,4 км³ ташландиқ сувлар ишлаб чиқаришда деярли фойдаланилмайди. Таҷрибаларда синаб қўрилган усул ва технологиялар асосида улардан қайта фойдаланилганда атроф-муҳит ҳам ифлосланмайди.

Қўп йиллар давомида олиб борилган қидирув, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини таҳлили асосида республика ҳудудида 20 км³ дан ортик ер ости сувлари мавжудлиги башорат қилинган. Уларнинг 8 км³ га яқини чўчүк (таркибида тузлар миқдори 1 г/л гача) истеъмол қили-

қарамадан соҳага масъул ташкилотлар башорат қилинган ер ости сувлари захираларини қидиришга оид ишларни кенг миқёсда ўтказишлари лозимлиги давр талабидир.

Юқорида айтилган фикр ва мулоҳазаларни назарда тутган ҳолда, яқин келажақда республикада вужудга келган сув танқислигини зарур бўлган сув захирасининг қуйидаги манбалари ҳисобига бартараф этиш мумкин:

- таркибида туз кам бўлган чўчүк ер ости сувларидан фойдаланиш;
- санoат, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, йирик чорвачилик фермаларида шаклланадиган ташландиқ ва коллектор-зовур сувларидан қайта фойдаланиш.

Орол денгизи ҳавзасининг асосий сув манба-

ри – Сирдарё ва Амударё оқими Марказий Осиё давлатлари орасида расмий келишилган шартномага мувофиқ тақсимланган. Республикада сув танқислигини бартараф этиш учун зарур бўлган миқдордаги сувни ажратилган меъёридан (52408 млн. м³) ортикроқ олиш йилдан-йилга мураккаблашмоқда. Ҳозирги вақтда айрим Марказий Осиё давлатларида ўтиш даврининг таъсири сезилаётганлиги сабабли бизнинг фикримизча, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган захирани мазкур ҳудудлардаги коллектор-зовур, ер ости ва ташландиқ сувлардан қайта фойдаланиш ҳисобига яратиш мумкин. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги тасарруфидида соҳага масъул ташкилотлардан олинган қўп йиллик маълумотлар таҳлилига қараганда яқин келажақда ер ости сувларидан фойдаланишни ҳозиргача нисбатан 1,5 баравар, коллектор-зовурлар сувини 2,8 бараваргача ошириш, 100 млн. м³ ташландиқ сувлардан амалиётда қайта фойдаланиш мумкин бўлади.

Сугориладиган деҳқончилик минтақасида сув танқислиги сезила бошлаган даврдан бошлаб ҳар хил тупроқ-мелиоратив шарoитда ҳудудларда ер ости, коллектор-зовур ва ташландиқ сувлар билан етиштирилаётган экинларни сугориш (асосан гўза, кузги бугдой, шoли, маккажўхори), тупроқ шўрини ювишга оид қўп йиллик таҷрибалар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган. Улардан фойдаланиш тартиби, меъёри ва технологияларнинг илмий-амалий асослари яратилган.

Сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришнинг юритиш тўбдан ўзгарди. Ер-сув захираларидан фойдаланишнинг замонавий шакллари вужудга келмоқда. Фермер, деҳқон ҳўжаликларини фаолиятини изоҳловчи асосий кўрсаткич фойдаланилаётган ердан, сарфланаётган сув ҳисобига олинган ҳосил миқдори, сифати ва олинган дарoмад ҳисобланади.

Шу нуқтаи-назардан ер ости, коллектор-зовур ва ташландиқ сувлардан қишлоқ ҳўжалигида қайта фойдаланилганда олинаётган ҳосил миқдори, сифатига, ҳудуднинг экологик-мелиоратив ҳолатига салбий таъсир қилмайдиган технологиясини қўллашни тақозо этади.

Обит РАМАЗОНОВ,
қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори,
профессор
Владимир НАСОНОВ,
техника фанлари номзоди, доцент.

Азиз ватандошлар!

Барчангизни Янги йил байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Оилангизга осойишталик, тўкин-сочинлик тилаймиз. Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатларингиз самарали бўлсин!



"Ўзвиносанoатхолдинг" холдинг компанияси

Республика акциядорлик-тижорат банки

«Фаллабанк»

жамоаси Ўзбекистон халқини, акциядорларни ва миждозларни 2008 – Янги йил байрами билан самимий табриклайди.

Кириб келаётган Янги йил ҳар бир хонадонга файз-барака, тўкинлик, тинчлик-омонлик олиб келишини тилаб, барча турдаги тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи пластик карточкаларни таклиф қилади.

Ҳурматли ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари!

Ходимларингизга ўз вақтида, қулай тарзда маош тарқатиш;

Тўловлар бўйича ҳисоб ишларини енгиллаштириш

имкониятларига эга бўлишни истасангиз Банкнинг пластик карточкалар орқали "Иш ҳақи" лойиҳасидан унумли фойдаланинг!

Маълумот учун телефонлар: 136-16-03, 133-98-80

«Фаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

– Шахримиздаги супер-маркет дўкониди зардўзлик маҳсулотлари билан савдо қилувчи бўлим очилди.
 – Қойил, бу кимларнинг сая-ҳаракати кўмаги эвазига бўлганикин?
 – Албатта, банк бераётган кредит эвазигада!
 – Тадбиркорларга кўл йўл очилгани зап иш бўлапти-да!
 (Банк мижозлари сўхбатидан)

«Микрокредитбанк»нинг Китоб тумани бўлимида банк сармоялари тадбиркорлик, фермерликини ривожлантириш, яққа тартибда меҳнат фаолияти, оилавий бизнес ва касаначиликни янада тараққий эттиришга йўналтирилган.

Айниқса, бу соҳада тадбиркор аёлларга кўрсатилаётган гамхўрлик ҳам эътиборга моликдир.
 – Мен зардўзликни ривожлантириш учун 2007 йил март ойида ушбу банкдан 6 миллион сўм микрокредит олдим, – дея гап бошлади Халоват Исмолова. – Қизларим ва келинларимни бу ишга жалб этдик. Келин-кувд либослари, халатлар тиқини йўлга қўйдим. Бу билан 10 та ишни ўрни яратилди. Шаҳар марказидаги «Бахт» супермаркетидан ижарага савдо нуқтаси олдим. Маҳсулотларимизга талаб ортиб бормоқда. Нафақат туманимиз, қолаверса, қўшни туманлар, Хоразм, Самарқанд вилоятлари, ҳатто Тожикистон ва Россия давлатларидан ҳам харидорлар бор.

Меҳнатга яраша ҳақ тўлаш туфайли зардўзлар моддий-манфаатдорлиги тобора яқшиланган бормоқда. Улар ҳар ойда 80-100 минг сўмдан маош олишга эришмоқдалар. Шунингдек, Бешқозок, Рус кишлоқларида икки нафардан қизлар касаначилик билан шуғулланмоқдалар. Улар тикаётган зардўзлик маҳсулотлари ўзининг сифатлиги ва бежиримлиги билан ақроби турди.

Зардўз тадбиркорларнинг режалари катта. Улар Қарши, Шахрисабз шаҳарларида савдо нуқталарини очди. «Варганза» каштачилик мактабини қайта тиклашмоқчи. Туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги ўқув ком-

шаҳарларида «Агро Увайс» савдо дўконлари очилди. Бу билан ишчи ўрни яна 10тага қўяди. Бир йилда 30 миллион сўм даромад қилинади. Шунинг 8 миллион сўми соф фойдани ташкил этади.

Тадбиркор аёллар хайрли ва савоб ишларга кўл урмоқдалар. Мавжуда Саттарова 5-6 йилдан буён мазкур

миллион сўмлик микрокредит берилди. Тумандаги «Заковат», «Баҳромбек ўғли Ихтиёр», «Агро Увайс» фермер хўжалиқларига 69,4 миллион сўмлик микролизиш хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида туманда 1337 та иш ўрни яратилди. Йил бошидан буён 71 нафар тадбиркор аёлга 226,5 миллион, 35 ёш оилага 85,1 миллион, 57 оилага 108,4 миллион сўмлик кредитлар берилди. Кам таъминланган оила фарзандларини ўқитиш учун 6 нафар талабга 4,6 миллион сўмлик таълим кредити берилди.

Чекка кишлоқлар, тоғли худудлар аҳолисини ижтимоий фойдала меҳнатга тортиш ҳам ҳукуматимизнинг бош мақсадларидан бири саналади. Бу борада ижобий силжишларга эришилди. 31 нафар қишлоқ аҳолининг касаначилик билан шуғулланиши учун 94 миллион сўмлик микрокредит маблаглари ажратилди.

Туман тоғли худудда жойлашган бўлиб, икклими мева ва сабзавот, узум етиштиришга жуда қулай ҳисобланади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан ўтган вақт ичида 44 та деҳқон хўжалиқлари учун 149,2 миллион сўмлик микрокредитлар берилди. Натижада, 159 та янги иш ўринлари яратилди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўйича ҳам туман бўлимида муайян ишлар амалга оширилди. 125 та оилага 121,4 миллион сўмлик микрокредитлар берилди. Киска қилиб айтганда, мазкур молия муассасаси жамоаси банк фаолиятини универсаллаштириш, мижоз ва омонатчилар манфаатларини устувор қўйган ҳолда хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини кўтаришга асосий эътиборни қаратмоқда.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қашқадарё вилояти.

«ЭКОСАН» барқарор ривожланиш йўлида

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Навой кон-металлургия» комбинати Бизнес марказида «2007 йилнинг Экологик якуналари ва «ЭКОСАН»нинг 2008 йил – Ёшлар йилидаги вазифалари» мавзусида фаоллар йиғилишини ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари, депутатлар, «ЭКОСАН» муассис ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлири вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди. Йиғилганларни «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти раҳбари Юсуфжон Шодиметов махаллий ҳамда журналистлар билан амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳа ва дастурлар билан таништирди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур ташкилот томонидан 2007 йилда атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, ижтимоий-экологик муаммолар ечимга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, салбий экологик омилларнинг инсон саломатлигига таъсирини камайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини, санитария, гигиена ва экологик маданият соҳасидаги билимларни тарғиб қилиш, экологик маданиятни шакллантириш, гуманитар

хамкорликни ривожлантириш каби вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, ўтаётган 2007 йилда Оролбўйи минтақаси ва бошқа экологик нуқталарга ҳудудларга жами 21 та «ЭКОСАН» Саломатлик поездлари юборилиб 1 миллиард 2 миллион сўмлик инсонларарлик ёрдамлари кўрсатилди. Улар 12 мингдан зиёд қарияларга, 450 та ижтимоий соҳа объектлари, 8 мингта кам таъминланган оилаларга топширилди. Шунингдек, ўқувчи ёшларнинг ёзи дам олишларини ташкил қилишда ҳам мазкур ташкилот фаол иштирок этди. Оромгоҳларга нафақат хайрия ёрдами ташкил этилди.

Фаоллар йиғилишида «ЭКОСАН»нинг шу каби қатор хайри ишларни юқори даражада ташкил этишга қаратилган таъкидлаб ўтилди ва ташкилотнинг 2008 йил – Ёшлар йилидаги вазифалари ва дастури муҳофаза қилинди. Шунингдек, тадбир сўнггида ташкилотнинг 15 йиллигига бағишланган «ЭКОСАН» барқарор ривожланиш йўлида 15 йил» номли китобнинг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Раимқул СУЯРОВ
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Варганза сўзанасига хориж харидори

«Микрокредитбанк»нинг Қашқадарё вилояти бошқармаси Китоб тумани бўлимида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида

бинатида зардўзлар тайёрлаш тўғрисида гап бошлади. Машгулотларни Халоват опанинг қизи Зухро Исмолова олиб бормоқда.

– Иш натижалари ҳам чакки эмас, – дейди тадбиркор аёл Халоват Исмолова. – Микрокредитнинг дастлабки 700 минг сўмининг мuddатидан олдин тўлашга эришидик.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, хусусан гўшт ва сўт маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжни қондириш тадбиркор фермерлар диққат марказида турибди «Агро Увайс» фермер хўжалиги раҳбари, техника фанлари номзоди Низомиддин Самадов туман бўлимида 19 миллион 800 минг сўм микролизинг олиб, Россиянинг Рязан шаҳридан суткасига 200 литр сутни қайта ишлайдиган линия олиб келди. Бу билан у бешта иш ўрни яратди. Айни пайтда ушбу линияни тўла қувват билан ишлашига ҳаракат қилинапти. Натижада, йилига 10,5 тонна сўт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 2008 йилда қўшимча линия ишга тушади. Тошкент, Китоб, Шахрисабз

банкнинг фаол мижозларидан бири. У шу йил бошида банкдан 6 миллион 300 минг сўм микрокредит олиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган линияни ишга туширди. Суткасига 1,5-2 минг дона сифатли маҳсулотлар тайёрланапти. Бу эса, ўз навабатида, 22 та ишчи ўрнини яратишга имкон берди.

– Режаларимиз кўп, – дейди Мавжуда опа Саттарова биз билан сўхбатда. – 50 сотих ер олиб, корхонамизни кенгайтирамоқчимиз. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий линия Хитойдан келтирилди. Бу бўйича бизнес режаларимизни банкга тақдим этмоқдамиз.

– Банк маблағидан фойдаланувчилар, шу асосда иш юритаётганлар бизда қўллаб-топилади, – дейди «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими бошқарувчиси Ақтам Олтиев. – Киник бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 2007 йил 1 декабрь холатига қўра бошлангич сармояни шакллантириш учун 76 нафар тадбиркорга 270,3 миллион, айланма маблагларни тўлдириш учун 282 мижозга 1 миллиард 491,8

«Қорбобо»

қилмайди, қилган кўнғироқларимга жавоб ҳам бермайди.

Халил акасининг ҳолатини чиқармаганидан бариб ўқинди. «Пул нимага керак бўлиб қолди экан». Ортиқча пули йўқ, лекин қандай қилиб бўлсада у акасининг кўнглини кўтармоқчи. Акасига нимадир совға қилиб, хурсанд қилмоқчи бўлди. «Топдим, уйда ўғлининг тўйига тўёна қилишган кичикроқ пулти телевизор ҳали очилмай шундай турибди, ўшани олиб бораман».

Узининг топқирлигидан хурсанд бўлиб кўчага отланди.

Кечқурун Нодирнинг эшиги тақиллади. Нодирнинг катта қизи Феруза эшикни очаркан, чапак чалиб юборди:
 – Ур-ре Қорбобо келди.

Ошхонада овқат қилаётган Назира калкири билан югуриб чиқди. Қорбобони кўрган Назира «Бу йўқ жойдан «сюрприз» қилиб юрадиган эримнинг иши бўлса керак», деб ўйлади. Чой дамлаш учун ошхонага кетди.

Нодир Қорбобо билан қўришиб бўлган қопидан тўртбурчак кутини очиб телевизорни олди. Зўрға кўрсатаётган эски, оқ-қора рангли телевизорнинг ёнига қўйди. Қопидан яна бошқа совғаларни олиб стол устига қўйди. Назира чой дамлаб кирганда Қорбобо кетиб бўлганди.

– Вой Қорбобо кетиб бўлдим, деди у чойнакни стол устига қўяркан. – Янги йилда базми кўрсатувларини рангли телевизорда кўришни орзу қилиб юрувдигинг. Барибир пул топиб Қорбобого заков берибсизда-а», деганча яна ошхонага йўналди.

Қорбобонинг ким эканлигини Нодирдан бошқа ҳеч ким билмади.

Барно СУЛТОНОВА

SPORT O'LAMIDA

Ҳамюртларимизнинг беш медали

Сурияда оғир атлетика бўйича ташкил этилган Осиё Кубоги мусобақасида китъамизнинг ўн олти давлатидан келган энг кучли спортчилар голиблик учун куч синашди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоасининг беш нафар аъзоси совринли ўринларни эгаллади. Ҳамюртларимиздан Руслан Апплов даст ва силтаб кўтариш бўйича умумий ҳисобда 260 килограмм натижа кўрсатиб, шохшунанинг энг юқори погонасини эгаллади. Мансур Чашимов ўз вазн тоифасида 335 килограмм натижа билан биринчи ўринни эгаллади. Терма жамоаси аъзоларидан яна уч нафари – Субхон Қобилов, Шерзод Юсуфов ҳамда Иван Ефимов ўз вазн тоифасида иккинчи ўринни эгаллади.

Осиё Кубоги мусобақасида иккита олтин ва учта кумуш, жами бешта медалини қўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни қайд этишди.

Голлари ёрдам бермади

Футбол бўйича Англия чемпионатининг 19-тур учрашувлари ўтказилди. Нихоят, мазкур турга келиб украинлик Андрей Шевченко ўз голларини кўпайтирди.



«Астон Вилла» жамоасини қабул қилган «Челси» футболчилари рақиблар дарвозасини тўрт бор нишонга олишга муваффақ бўлишди. Бирок баҳсда улар ғалаба қозона олишмади, чунки меҳмонлар ҳам, ўз навабатида, «аристократлар» посбони Петр Чехни тўрт марта хафа қилишди. Икки йилдан бери Англия премьер-лигасида тўп сураётган Шевченко биринчи бўлимининг сўнгги дақиқаларида пенальтидан гол киритди. Унгача меҳмонлар 2:0 ҳисобида олдинда боришаётган эди.

Иккинчи бўлимда жамоалар ўйини кучайтириб, сермахсуллик кўрсатишди. Украинлик футболчининг ўзи бўлиб бошларида ҳисобни тенглаштирди. Шундан сўнг «Челси»дан Алекс ва Баллак, «Астон Вилла»дан эса Лаурсен ҳамда Бэрри биттадан гол уришиб, якуний ҳисоби 4:4 кўринишига олиб келишди. Учрашувни бошқариб борган ҳақам Фил Давд учта ўйинчига қизил карточка кўрсатди. Энди Аврам Грант жамоасида 38 очко бор ва улар мусобақа ҳадвалида учинчи ўринда боришмоқда.

Жанг атрофидаги гаплар

Профессионал боксининг суперогир вазида WBO камари соҳибни Султон Ибрагимов украинлик боксчи Владимир Кличкога қарши ўтадиган жанги ҳақида фикр билдирди.

Россиялик спортчининг айтишича, IBF йўналиши чемпиони кичик Кличко ўз техника ва тактикасини ўзгартирган. Бунинг оқибатида у анча кучайган. Лекин рақибининг нозик жиҳатлари ҳам борки, Султон айнаш шу тарафлама Владимирдан устун чиқиши мумкин экан.

Владимир Кличко бу борада ҳозирча жим. У ўз ватанида хордик чиқармоқда ва Янги йил байрамидан кейин машгулотларга киришмоқчи. Султон Ибрагимов эса жанга тайёргарлигини 25 декабрдан бошлаб юборган. Америка Қўшма Штатлари рингларига тезроқ мослашиш мақсадида у ерга учиб кетган.

Эслайтиб ўтагимиз, WBO ва IBF камарларини бирлаштирувчи жанг 2008 йилнинг 23 февраль кунин Нью-Йорк шаҳридаги машҳур «Madison Square Garden» спорт саройида ўтказилади.

Суннатилла ИСЛОМОВ

«AVTODOM PLUS» КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаятган Янги йил байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

Президентимиз томонидан «Ёшлар йили» деб аталган 2008 йилда юртдошларимизга сихат-саломатлик, дастурхонларига тўкин-сочинлик, кўзлаган эзгу ишларига равақ, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилайди!

АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ «ГАЗ» ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS

«ГАЗ» русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндикли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш инсталган усулда!

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй.
 Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
 Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
 E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

Турфа олам

Заминимизнинг 70 фоиз аҳолиси озик-овқат маҳсулотларини 12 турдаги ўсимликлар ва 5 турдаги ҳайвонлардан олишади.

Франция қироли Людовик ўн туртинчининг 413 та қаровоти бўлган.

Чумолихўр узунлиги ярим метрдан ҳам ошқирок бўлган тилини 1 дақиқада 160 мартадан кўпроқ ҳаракатлантириб, чумоли ва темиртанларга кирон келтиради.

Янги Зеландияга икки юз йил олдин асаларилар олиб келинган.

Янги Зеландияда асалдан хушбўй ва ёрқин рангли лаб бўёқлари тайёрланади.

Янги Зеландиядаги маори қабилисидаги хазир ҳам ўтганларни ёд этиш учун турли мусика асбобларини чаладилар.

С.СИРОЖИДИНОВ тайёрлади.



Баҳром КАЛОНОВ чизган расмлар.

Утеранный студентский билет и зачетная книжка № 467070, выданный в 2006 году Государственным Университетом Информационных Технологий г.Ташкента на имя Цой Игорь Вячеславович, считать действительным.

Утеранный гос.ордер №08-01/13493 от 25.01.1993 г. права собственности на квартиру на имя Саидов Сабири Кабиллович, считать действительным.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати жамоаси Хужукий экспертиза маркази раҳбарининг ўринбосари
Абдулатиқ Юлдашевнинг бевақ вафоти мўнасабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндosh-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ўқтам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибиёт - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-28-04, 133-09-93.	ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – 585-12-17, 223-57-53; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 726-35-81; Қашқадарё – 227-65-42.	Реклама ва эълонлар матни учун буортмачи жавобгар ① тижорат мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
-------------------------------------	--	---	---	---	---